

**Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиология хизматига  
жисмоний ва юридик шахслардан тушган мурожаатларини кўриб  
чиқиши натижалари тўғрисида**  
**МАЪЛУМОТ**

*(2022 йил 12 ой давомида келиб тушган мурожаатлар таҳлили)*

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиши ҳамда уларда келтирилган масалаларни ҳал этиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан жорий йилнинг ўтган 12 ойи давомида жисмоний ва юридик шахслардан соҳага тааллукли жами **2808** та мурожаат келиб тушган.

Келиб тушган мурожаатларнинг:

- 2308 таси — Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал тизим орқали;
- 120 таси — Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Электрон хужжат алмашинуви (ЭДО) тизими орқали;
- 380 таси эса (289 таси ёзма, 91 та оғзаки) бевосита Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматига келиб тушган.

Кўриб чиқилган мурожаатларнинг **79,9%** ижобий ҳал этилган ёки хукукий маълумот бериш орқали қаноатлантирилган, **18,1%** мурожаатга умумий мазмундаги тушунтиришлар берилган. Такорий мурожаат **5,1%** ташкил қилди.

**Худудлар кесимида таҳлил қилинганда:**

- Тошкент шаҳридан – 409 та,
- Андижон вилоятидан - 96 та,
- Бухоро вилоятидан- 113 та,
- Жиззах вилоятидан- 105 та,
- Қашқадарё вилоятидан - 177 та,
- Навоий вилоятидан - 51 та,
- Наманганд вилоятидан - 97 та,
- Самарқанд вилоятидан - 146 та,
- Сурхондарё вилоятидан - 97 та,
- Сирдарё вилоятидан - 54 та,
- Тошкент вилоятидан - 225 та,
- Фарғона вилоятидан - 145 та,
- Хоразм вилоятидан - 82 та,
- Қорақалпоғистон Республикасидан - 33 тадан мурожаатлар келиб тушган.

## **Мурожаатлар таснифи бўйича:**

Республика аҳолиси ва соҳа ходимларининг мурожаатларида охирги йиллар давомида ўз долзарблигини йўқотмаган масалалар,

1. Раҳбар ва ходимларининг ҳатти-харакатлари билан боғлиқ – 7% (2021й 7%).

2. Мехнат муносабатлари – 20% (2021й 12%), булар;

- иши ставкасининг камлиги,

- ишдан ноқонуний бўшатилганини, меҳнат шартномасини ходим билан келишимаган ҳолда бекор қилинганини

- бошига меҳнат низолари.

3. Коронавирус билан боғлиқ муаммолар - 4% (2021й 11%) (*компенсация тўлови, карантин даврида ишилагани учун қўшимча бериладиган тўловлар, карантин билан боғлиқ муаммолар*) тўғрисидаги мурожаатлар.

4. Санитария-эпидемиологик осойишталик бўйича – 43% (2021й 45%), булар:

- санитария назорати билан боғлиқ,

- СанҚвамга риоя этилмаслиги,

- юқумли қасалликлар профилактикаси боғлиқ (*ВГга эмлаши, бепул тиббий ёрдам*)

- тиббий муассасаларнинг санитария ҳолатининг қониқарсизлиги тўғрисида,

- ичимлик суви, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси тўғрисида.

5. Тиббий муассасаларнинг фаолиятидан норозилик – 3%.

6. Дезинфекция тадбирлари – 3%.

7. Санитария-эпидемиологик хulosалар, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ ва бошқа масалалар 15% (2021й -17%);

8. Мурожаатларнинг 4%ни эса соҳага оид таклиф ва миннатдорчиликлар ташкил этди.